

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

4 Аҳолини иш билан таъминлаш ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ташкилотларга нисбатан молиявий санкциялар қўллаш, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ташкилотлар фаолиятини тўхтатиб қўйиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида», «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ҳамда аҳолини иш билан таъминлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига сўзсиз риоя этилиши юзасидан назоратни кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Аҳолини иш билан таъминлаш ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ташкилотларга нисбатан молиявий санкциялар қўллаш, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ташкилотлар фаолиятини тўхтатиб қўйиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги барча давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан аҳолини иш билан таъминлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан назоратни кучайтирсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2011 йил 5 январь,
1-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2011 йил 5 январдаги 1-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Аҳолини иш билан таъминлаш ва ногиронларни
ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини
бузганлик учун ташкилотларга нисбатан молиявий санкциялар
қўллаш, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги
қонун ҳужжатларини бузганлик учун ташкилотлар
фаолиятини тўхтатиб қўйиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида», «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ аҳолини иш билан таъминлаш ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун корхоналарга, муассасаларга, бирлашмаларга ва ташкилотларга — юридик шахсларга (кейинги ўринларда ташкилот деб аталади) нисбатан молиявий санкциялар қўллаш, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ташкилотлар фаолиятини тўхтатиб қўйиш тартибини белгилайди.

2. Аҳолини иш билан таъминлаш, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик (кейинги ўринларда қонун ҳужжатларини бузганлик деб аталади) учун, идоравий мансублигидан ва мулкчилик шаклларида қатъи назар, ташкилотлар ушбу Низомда ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

3. «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддаси ҳамда «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддаси талабларига риоя этилиши юзасидан назорат Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг, Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаларининг, туман ва шаҳар бандликка кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларининг меҳнат бўйича давлат техник инспекторлари ҳамда давлат меҳнат шароитлари экспертлари (кейинги ўринларда инспектор деб аталади) томонидан амалга оширилади.

4. «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18-моддаси ва «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг

25-моддаси талабларига риоя этилиши юзасидан назорат Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг, Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаларининг, туман ва шаҳар бандликка кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларининг давлат меҳнат ҳуқуқ инспекторлари (кейинги ўринларда инспектор деб аталади) томонидан амалга оширилади.

5. Инспекторлар ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

аҳолини иш билан таъминлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ташкилотлар томонидан риоя этилишини (кейинги ўринларда қонун ҳужжатларига риоя этиш деб аталади) белгиланган тартибда текшириш;

текшириляётган ташкилотнинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимларидан, шунингдек фуқаролардан қонун ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан ўтказиляётган текширишлар билан бевосита боғлиқ бўлган зарур ҳужжатларни ва бошқа маълумотларни олиш;

қонун ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан текширишларнинг ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона ўтказилиши учун зарур бўлган чора-тадбирларни кўриш;

қонун ҳужжатларининг бузилишларини бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар (кейинги ўринларда кўрсатма деб аталади) бериш;

аҳолини иш билан таъминлаш ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари аниқланган ташкилотларга ушбу Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ жарималар солиш;

меҳнат хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган ва ишловчиларнинг соғлиғи ёки ҳаётига хавф соладиган ташкилот (унинг алоҳида бўлинмалари) фаолиятини ёки ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишни ушбу Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ тўхтатиб қўйиш.

Инспекторлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

6. Аҳолини иш билан таъминлаш ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қуйидаги бузилишлари учун ташкилотга молиявий санкция (кейинги ўринларда жарима деб аталади) қўлланади:

ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларга энг кам миқдордаги иш жойларини яратиш юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари чиқарган қарорларни бажармаганлик учун — ҳар бир яратилмаган иш жойи учун ушбу ташкилот ходимининг ўртача йиллик иш ҳақи миқдоридан. Илгари талабнома берилган, ўрта махсус, касб-хунарга ва олий маълумот олган, шунингдек касб тайёргарлиги олишга ва қайта тайёргарлик кўришга, малакасини оширишга юборилган шахсларни ишга қабул қилишдан бош тортганлик учун ҳам худди шу миқдорда жарима ундирилади;

ногиронларнинг ижтимоий инфратузилма объектларига (турар жойларга, жамоат ва ишлаб чиқариш биноларига, иморатлар ва иншоотларга, соғликни сақлаш ва спорт объектларига, маданий-томошагоҳ ҳамда ва бошқа муассасаларга) тўсқинликсиз кириши учун, шунингдек темир йўл, ҳаво, сув транспортдан, шаҳарлараро автомобиль транспортдан, шаҳар ва шаҳар атрофи йўловчилар транспортининг барча турларидан, транспорт коммуникацияларидан, умумий фойдаланишдаги алоқа воситалари ва ахборот воситаларидан тўсқинликсиз фойдаланилиши учун шароитлар яратиш бўйича қонунда назарда тутилган талабларни бажармаганлик учун — энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солинади.

7. Белгиланган тартибда ўтказилган текширишлар давомида аниқланган қонун ҳужжатлари бузилиши текшириш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Далолатнома қонун бузилиши ҳолатини аниқлаган инспектор, шунингдек ташкилот раҳбари (унинг вакили), гувоҳлар ва жабрланганлар (агар шундайлар бўлса) томонидан имзоланади.

Ташкилот раҳбари (унинг вакили) далолатномани имзолашни рад этган тақдирда далолатномада бу ҳақда ёзув қайд этилади. Ташкилот раҳбари (унинг вакили) далолатномага илова қилинадиган тушунтириш ва унинг мазмун-моҳияти бўйича мулоҳазаларини тақдим этиш, шунингдек ўзининг имзолашни рад этиши сабабларини баён қилиш ҳуқуқига эга.

II. Аҳолини иш билан таъминлаш ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жарима солиш тартиби

8. Аҳолини иш билан таъминлаш ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги аниқланган ташкилотни текшириш далолатномаси асосида текширишни ўтказган инспектор томонидан:

ташкилот ва унинг йўл қўйилган бузилишларни бартараф этишга ваколатли бўлган мансабдор шахслари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган белгиланган намунадаги кўрсатма берилади;

ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича жарима солиш тўғрисида қарор чиқарилади.

9. Кўрсатма ва жарима солиш тўғрисидаги қарор унга нисбатан кўрсатма берилган ва жарима солиш тўғрисида қарор чиқарилган ташкилотнинг раҳбарига (унинг вакилига) тилхат билан топширилади ёки топширилганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан буюртма хат орқали юборилади.

Кўрсатма ва жарима солиш тўғрисидаги қарор юборилганлигини (топширилганлигини) тасдиқлайдиган почта ҳужжатлари ёки бошқа ҳужжатлар текшириш далолатномасига қўшиб қўйилади.

10. Кўрсатма унда белгиланган муддатда ижро этилиши лозим, бунда энг кўп муддат у берилган кундан бошлаб 30 кундан ошмаслиги керак.

11. Кўрсатма ўз вақтида ва тўлиқ бажарилган тақдирда жарима солиш тўғрисидаги қарор бекор қилинган ҳисобланади, бу ҳақда берилган кўрсатмада тегишли ёзув қайд этилади. Ушбу норма фақат тадбиркорлик субъектларига татбиқ этилади.

12. Аниқланган қонун ҳужжатлари бузилишлари бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар текшириш далолатномасига қўшиб қўйилади.

13. Агар кўрсатмада кўрсатилган муддатда ташкилот томонидан кўрсатма ижро этилганлигини тасдиқлайдиган тегишли ҳужжатлар тақдим этилмаса ёки қоида бузилиши тўлиқ бартараф этилмаганлиги белгиланган тартибда аниқланса, у ҳолда кўрсатма ижро этилмаган деб ҳисобланади.

Кўрсатмани бажармаслик қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка олиб келади. Бу ҳолда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органи тегишли даъво билан хўжалик судига мурожаат қилади.

14. Жарима солиш тўғрисидаги қарорда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

инспектори текшириш ўтказган меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органининг тўлиқ номи, жарима солиш тўғрисидаги қарорнинг тартиб рақами ва берилган санаси;

унга нисбатан жарима солиш тўғрисида қарор чиқарилган ташкилот тўғрисидаги маълумотлар;

жарима суммаси, талаблари ташкилот томонидан бузилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар моддалари (бандлари) ҳамда қонун ҳужжатларининг аниқланган бузилиши ҳолати бўйича тузилган далолатнома, шунингдек берилган кўрсатма тўғрисидаги маълумотлар;

ушбу Низомга мувофиқ жаримани ихтиёрий равишда тўлаш муддати.

15. Ташкилот томонидан қонун ҳужжатлари бузилишидаги айби эътироф этилган тақдирда жарима ихтиёрий тўланиши мумкин.

16. Жарима суммаси ихтиёрий равишда тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжати қонун бузилишларини бартараф этиш тўғрисидаги кўрсатмани бажариш учун белгиланган муддатда инспектори томонидан кўрсатма чиқарилган меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органига тақдим этилиши керак.

Агар ташкилот томонидан тегишли ҳужжатлар кўрсатилган муддатда тақдим этилмаса у ҳолда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органи ташкилотга нисбатан жарима қўллаш тўғрисидаги тегишли даъво билан хўжалик судига мурожаат қилади.

17. Ундирилган жарима суммаси Ўзбекистон Республикаси Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармасига ўтказилади.

18. Қонун ҳужжатларининг аниқланган бузилишларини бартараф этиш тўғрисидаги кўрсатма юзасидан унинг ваколатига мувофиқ юқори меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органига ёки хўжалик судига белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

19. Жаримани тўлаш ташкилотни кўрсатмани бажариш мажбуриятидан ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа хатти-ҳаракатларни содир этишдан озод қилмайди.

III. Меҳнат хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган ва ишловчилар соғлиғи ва (ёки) ҳаётига хавф соладиган ташкилотлар фаолиятини ва ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишни тўхтатиб қўйиш тартиби

20. Меҳнат хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган ва ишловчилар соғлиғи ёки ҳаётига хавф соладиган ташкилот (унинг алоҳида бўлинмалари) фаолияти ёки ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш улар меҳнат хавфсизлиги талабларига мувофиқлаштирилгунга қадар тўхтатиб қўйилади.

21. Агар текшириш давомида меҳнат хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган ва ишловчилар соғлиғи ёки ҳаётига хавф соладиган ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишнинг ишлаб чиқариш омиллари ва (ёки) ҳолатлари аниқланса, кўрсатиб ўтилган ҳолатлар инспектор томонидан текшириш далолатномасида акс этирилади.

Текшириш далолатномаси асосида, белгиланган тартибда инспектор томонидан ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ ташкилот содир этиши керак бўлган тадбирлар ва хатти-ҳаракатлар кўрсатилган ҳолда ташкилотнинг (унинг алоҳида бўлинмаларининг) фаолиятини ва ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишни 10 кундан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш тўғрисида қарор чиқарилади.

22. Кўрсатма унда кўрсатилган муддатда ижро этилиши лозим.

Ташкилот қарорнинг ижроси тўғрисида қарорда кўрсатилган муддатларда ушбу Низомга 2а-иловага мувофиқ шакл бўйича инспекторни ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

23. Қарорнинг ижро этилиши назорат тартибида текшириш натижалари бўйича далолатнома билан тасдиқланади ёхуд қонун бузилиши бартараф этилиши бошқа ҳужжатлар билан тасдиқланади, улар текшириш далолатномасига қўшиб қўйилади.

24. Инспекторнинг қарори юзасидан шикоят қилиниши ташкилотни ушбу қарорни бажариш мажбуриятидан ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа хатти-ҳаракатларни содир этишдан озод қилмайди.

25. Қонун бузилиши бартараф этилгандан сўнг инспектор бир кун муддатда ушбу Низомга 2б-иловага мувофиқ шакл бўйича ташкилотнинг (унинг алоҳида бўлинмаларининг) фаолиятини ва ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишни қайта бошлашга ёзма рухсат беради.

26. Ташкилот томонидан қарор бажарилмаган ёки, агар қарорда кўрсатилган муддатда қонун бузилиши бартараф этилганлиги тўғрисидаги ахборот тақдим этилмаган ёки назорат тартибидаги текширишда қонун бузилиши бартараф этилмаганлиги аниқланган тақдирда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органи меҳнат хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган ва ишловчилар соғлиғи ёки ҳаётига хавф соладиган ташкилот (унинг алоҳида бўлинмалари) фаолиятини ва ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишни улар меҳнат хавфсизлиги талабларига мувофиқлаштирил-

гунга қадар тўхтатиб туриш тўғрисидаги даъво аризаси билан хўжалик судига мурожаат қилади.

27. Қарор юзасидан юқори меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органига ёки хўжалик судига белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

IV. Яқунловчи қоидалар

28. Инспекторнинг қонуний талабларини бажармаслик ёки унинг ўз хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка олиб келади.

29. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Аҳолини иш билан таъминлаш ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ташкилотларга нисбатан молиявий санкциялар қўллаш, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ташкилот фаолиятини тўхтатиб қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Жарима солиш тўғрисида

20__ йил «__» _____ даги __-сон
ҚАРОР

Ташкилот _____
_____ вилояти, тумани (шаҳри)

_____ асосида ўтказилган
(жорий йил учун текширишлар режа-жадвали, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ваколатли органнинг ёки унинг тегишли ҳудудий бўлинмасининг режадан ташқари текшириш ўтказиш учун рухсатномаси, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органининг текшириш ўтказиш тўғрисидаги буйруғининг санаси ва тартиб рақами)
текширишнинг 20__ йил «__» _____ даги __-сон Далолатномасига мувофиқ _____

(талаблари бузилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг номи ва модда (банд)лари)

_____ талаблари бузилганлиги учун Аҳолини иш билан таъминлаш ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун

ташкilotларга нисбатан молиявий санкциялар қўллаш, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ташкilot фаолиятини тўхтатиб қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга асосан **қарор қиламан:**

1. 20__ йил «__» _____ гача _____ миқдорида жарима солинсин.

2. Жарима суммаси қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказилсин: _____ МФО _____.

3. Тўлов тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати тўлов тўланган кундан бошлаб 2 кун мобайнида меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органига тақдим этилсин.

_____ (бош) давлат (техник/ҳуқуқ) инспектори

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

Қарорни олдим:

20__ йил «__» _____

_____ (мансабдор шахс имзоси)

_____ (Ф.И.О.)

Изоҳ.

Ташкilot қонун бузилишидаги айбини эътироф этган тақдирда жарима ихтиёрий равишда тўланиши мумкин.

Жарима солиш тўғрисидаги қарор икки нусхада тузилади, унинг бир нусхаси ташкilotга берилади, иккинчи нусхаси инспекторда қолади.

Аҳолини иш билан таъминлаш ва
ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш
тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик
учун ташкилотларга нисбатан молиявий
санкциялар қўллаш, шунингдек меҳнатни
муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун
ҳужжатларини бузганлик учун ташкилот
фаолиятини тўхтатиб қўйиш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Ташкилотнинг фаолиятини ҳамда ишлаб чиқариш
воситаларидан фойдаланишни вақтинча тўхтатиб
қўйиш тўғрисида**

20 __ йил «__» _____ ги -сон

ҚАРОР

_____ асосида ўтказилган
(жорий йил учун текширишлар режа-жадвали, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқ-
лаштириш бўйича ваколатли органнинг ёки унинг тегишли ҳудудий бўлинмасининг режадан ташқари
текшириш ўтказиш учун рухсатномаси, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органининг
текшириш ўтказиш тўғрисидаги буйруғининг санаси ва тартиб рақами)
текширишнинг 20__ йил «__» _____ даги __-сон Далолатномаси-
га мувофиқ _____

(талаблари бузилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг номи ва модда (банд)лари)

талаблар бузилганлиги учун «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбе-
кистон Республикаси Қонунининг 9-моддасига ҳамда Аҳолини иш билан
таъминлаш ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун
ҳужжатларини бузганлик учун ташкилотларга нисбатан молиявий санкция-
лар қўллаш, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳуж-
жатларини бузганлик учун ташкилот фаолиятини тўхтатиб қўйиш тартиби
тўғрисидаги низомга асосан _____ бўйича

(ташкилотнинг номи ва манзили)

20__ йил «__» _____ дан 20__ йил «__» _____ гача

(асбоб-ускунадан фойдаланиш ёки участка, цех иши, ташкилот фаолияти)

ТЎХТАТИБ ҚЎЙИЛСИН ва қуйидаги тадбирлар бажарилсин _____

_____ (Меҳнат бўйича (бош) давлат техник инспектори

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

Қарорни олдим:

20__ йил «__» _____
(мансабдор шахс имзоси) (Ф.И.О.)

Изоҳ.

Ташкилот фаолиятини ҳамда ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишни вақтинча тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги қарор икки нусхада тузилади. Унинг биринчи нусхаси ташкилотга берилади, иккинчи нусхаси меҳнат бўйича (бош) давлат техник инспекториди қолади.

Аҳолини иш билан таъминлаш ва
 ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш
 тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик
 учун ташкилотларга нисбатан молиявий
 санкциялар қўллаш, шунингдек меҳнатни
 муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун
 ҳужжатларини бузганлик учун ташкилот
 фаолиятини тўхтатиб қўйиш тартиби
 тўғрисидаги низомга
 2а-ИЛОВА

**20 __ йил «__» _____ ги _____-сон қарорнинг
 ижроси тўғрисида
 АХБОРОТ**

Шуни хабар қиламанки, _____
(асбоб-ускуналар, участка, цех, ташкилот)

_____ фаолияти вақтинча тўхтатилгандан кейин ташкилот фаолиятини ҳамда ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишни вақтинча тўхтатиб қўйиш тўғрисида 20__ йил «__» _____ даги _____-сон қарорга асосан биз қуйидаги ишларни ба-
 жардик: _____

Тўхтатиб турилган вақт _____
(иш кунлари сони)

Сиздан тўхтатиб қўйилган _____

(асбоб-ускуна, участка, цех, ташкилот)

фаолиятини қайта бошлашга рухсат беришингизни сўрайман.

_____ (лавозими ва ташкилотнинг тўлиқ номи)

_____ (мансабдор шахс имзоси)

_____ (Ф.И.О.)

Аҳолини иш билан таъминлаш ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ташкилотларга нисбатан молиявий санкциялар қўллаш, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ташкилот фаолиятини тўхтатиб қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга
26-ИЛОВА

**Ташкилотнинг фаолиятини ҳамда ишлаб чиқариш
воситаларидан фойдаланишни тиклашга
20__ йил «__» _____ги _____-сон
РУХСАТНОМА**

_____ бўйича

(ташкилот номи)

«Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддаси ҳамда Аҳолини иш билан таъминлаш ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ташкилотларга нисбатан молиявий санкциялар қўллаш, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ташкилот фаолиятини тўхтатиб қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга асосан 20__ йил «__» _____дан бошлаб _____

(асбоб-ускуналар, участка, цех, ташкилот)

фаолиятини қайта бошлашга РУХСАТ БЕРАМАН.

_____ (Меҳнат бўйича (бош) давлат техник инспектори)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

Вазирлар Маҳкамасининг
2011 йил 5 январдаги 1-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жарима солиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 1998 йил 1 декабрдаги 504-сон қарорига 2-иловада (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 12-сон, 44-модда):

а) 5-банднинг «д» кичик бандидаги «корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 6-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 50, 51 ва 229-моддаларига мувофиқ мансабдор шахсларга қуйидаги ҳолларда ва қуйидаги миқдорларда жарима солинади:»

«а» ва «б» кичик бандлар чиқариб ташлансин;

«в» — «ж» кичик бандлар тегишли равишда «а» — «д» кичик бандлар деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2008 йил 20 августдаги 186-сон қарорига 1-иловада (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 8-сон, 49-модда):

а) 13-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ташкилот томонидан, мазкур шахслар ушбу Низомнинг 3-бандида кўрсатилган тоифага мансуб бўлса, меҳнат органлари йўлланмаси бўйича банд қилиб қўйилган иш ўрнига ишга жойлаштиришни рад қилиши қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка олиб келади»;

б) 17-банддаги «бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман (шаҳар) марказлари» сўзлари «меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш фаолиятини такомиллаштириш юзасидан ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» 2010 йил 19 февралдаги 29-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 2-сон, 10-модда):

а) қарорнинг номидаги, муқаддимасидаги ва 2-бандидаги «меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш» сўзлари «меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш, ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза

қилиш вазирлигининг меҳнатни муҳофаза қилиш бошқармаси тўғрисидаги низомда:

3 ва 5-бандларга «меҳнатни муҳофаза қилиш» сўзларидан кейин «ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари қўшилсин;

6-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ногиронларга ижтимоий инфратузилма объектларидан тўсқинликсиз кириши, шунингдек транспортнинг барча турларидан, транспорт коммуникацияларидан, умумий фойдаланишдаги алоқа ва ахборот воситаларидан фойдаланишга доир қисмига риоя этилиши юзасидан давлат назоратини амалга ошириш»;

7-бандга қуйидаги мазмундаги 7.7.-кичик банд қўшилсин:

«7.7. Ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ногиронларга ижтимоий инфратузилма объектларига тўсқинликсиз кириши, шунингдек транспортнинг барча турларидан, транспорт коммуникацияларидан, умумий фойдаланишдаги алоқа ва ахборот воситаларидан фойдаланишга доир қисмига риоя этилиши юзасидан давлат назоратини амалга ошириш соҳасида:

ташкilotлар томонидан ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини ўз ваколатлари доирасида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текширишни амалга оширади;

ногиронларга ижтимоий инфратузилма объектларига тўсқинликсиз кириши, шунингдек транспортнинг барча турларидан, транспорт коммуникацияларидан, умумий фойдаланишдаги алоқа ва ахборот воситаларидан фойдаланиши учун ташкilotлар томонидан шарoitлар таъминланиши бўйича зарур чора-тадбирлар кўради;

ногиронларнинг ижтимоий инфратузилма объектларига тўсқинликсиз кириши, шунингдек транспортнинг барча турларидан, транспорт коммуникацияларидан, умумий фойдаланишдаги алоқа ва ахборот воситаларидан фойдаланишини таъминлаш масалалари бўйича оммавий ахборот воситаларида ахборот-тушунтириш ишларини олиб боради;

ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда, келишишда ва белгиланган тартибда тасдиқлашда иштирок этади»;

8-бандда:

иккинчи ва тўртинчи хатбошига «меҳнатни муҳофаза қилиш» сўзларидан кейин «ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари қўшилсин;

қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши қўшилсин:

«мансабдор шахслардан ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг аниқланган бузилишларини бартараф этишни, ижтимоий инфратузилма объектларига (турар жойларга, жамоат ва ишлаб чиқариш бинолари, иморатлар ва иншоотларга, соғлиқни сақлаш ва спорт объектларига, маданий-томошагоҳ ҳамда бошқа муассасаларга) тўсқинлик-

сиз кириш учун, шунингдек темир йўл, ҳаво, сув транспортдан, шаҳарлар-аро автомобиль транспортдан, шаҳар ва шаҳар атрофига қатнайдиغان йўловчилар ташиш транспортнинг барча турларидан, транспорт коммуникацияларидан, умумий фойдаланишдаги алоқа ва ахборот воситаларидан тўсқинликсиз фойдаланиш учун ногиронларга шароитлар яратишни таъминлаш мақсадида текширишлар давомида аниқланган бузилишлар ва камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари кўришни талаб қилиш»;

олтинчи — йигирма биринчи хатбоши тегишли равишда еттинчи — йигирма иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

саккизинчи хатбошига «меҳнатни муҳофаза қилиш» сўзларидан кейин «ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари қўшилсин;

ўнинчи хатбоши қўидаги таҳрирда баён қилинсин:

«юқори ташкилотга меҳнатни муҳофаза қилиш ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишларида айбдор бўлган ташкилотлар ва мансабдор шахсларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чоралар кўриш тўғрисида тақлифлар билан меҳнатни муҳофаза қилиш ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишини, шунингдек уларнинг вужудга келишига имкон яратувчи шароитларни бартараф этиш ҳақида тақдимнома киритиш»;

Низомга 1-иловага «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасига» сўзларидан кейин «(Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддаси)» сўзлари қўшилсин.